



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН + № 195 (9691). • 1989 йил 14 октябрь • Баҳоси 5 тийин.

«ХОСИЛ-89» «ХОСИЛ-89» «ХОСИЛ-89» ХИРМОНИНГИЗГА ҚУТ-БАРАКА!

МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

• Урта Чирчиқ райони •


БУ йилги мавсумда район механизаторлари чиндан ҳам жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳозиргача 32 минг тоннадан ортиқ пахта териб машина терими планини бажардилар. Райондаги мавжуд 326 та терим агрегати ҳар бирининг ўртача иш унуми 95 тоннадан ошиб кетди. Бу борада айниқса, Ким Пен Ха, Ленин номли, Терешкова номли колхозларнинг, Кирова номли ўқув хўжалигининг механизаторлари барчага ибрат бўлмоқдалар. Бу хўжаликларда ҳозиргача терилган хом ашёнинг 85—90 фоизи «зангори кемалар бункеридан тўкилди.

«Ленин йули» колхозидан Бозорбой Қаршибоев, Абдусамат Мирзабеков, Ким Пен Ха номли колхоздан Бекмурод Тошбоев, Олим Ҳошимов, А. Иромоев номли колхоздан Давлат Холматов, Ином Қўддошев сингари механизаторлар мавсумда 150—220 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритдилар. Айни кунларда ҳам район далаларида терим агрегатлари тўла қувват билан ишлатилмоқда. Утган кунни улар ёрдамида минг тоннадан ортиқ пахта терилди.

• Оққўрғон райони •

ОҚҚҲРҒОНЛИК механик-ҳайдовчилар ҳам бўш келишмаяпти. Бу районда 377 та машина ёрдамида ҳозиргача тайёрланган ҳосилнинг 38 минг тоннадан ортиғи териб олинди. Терим агрегатларидан самарали фойдаланган Вотинцев номли колхоз деҳқонлари биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу хўжаликда ҳар бир машина ёрдамида ўртача 120 тоннадан пахта терилди. Марра сари дадил одимлаётган «Партия XXII съезди» колхозини ва Сегизбоев номли совхоз механик-ҳайдовчилари айни пайтда ҳам терим агрегатларини тўла қувват билан ишлатиб ўртача унумини 6—7 тоннага етказмоқдалар.

Бугун районда Йўлдош Носиров, Қажрамон Халилов, Абдували Бердиёров, Эрбўта Мамадалиев, Беноз Сафаров, Николай Адаменко каби «зангори кема» капитанларини барча ҳурмат билан тилга олмақда. Бу илғорлар уйған хирмон 130—180 тоннадан ошиб кетди.



ТОШКЕНТ
ХАКИКАТИ
ПАХТА ШТАБИ

«ХОСИЛ-89»

ТЕЛЕФОНЛАР: 325647, 334048
334808, 325353

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА
13 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган; учинчи устун — мавсум бошидан бўён; тўртинчи устун — машина терими — бар кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан бўён.

Урта Чирчиқ	4,24	87,28	5,19	108,64
Пискент	2,84	86,54	3,10	90,82
Оққўрғон	3,45	85,55	4,01	99,38
Бўша	3,72	83,95	4,49	98,92
Бекобод	3,70	78,90	3,99	78,01
Коммунистик	4,23	74,74	5,11	91,68
Чиноз	4,80	72,95	5,17	83,67
Ғалаба	6,49	86,63	8,14	80,29
Янгийўл	4,78	61,08	4,89	54,85
Область бўйича:	4,17	78,43	4,90	87,43

УЛАР МАРРАГА ЕТДИЛАР

• ЧИНОЗ

БУ РАЙОНДАН ҳам дастлабки хўшхабар олинди. «Москва» колхозини районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. 562 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олинди. Қабул пунктларида жўнатилган 1545 тонна пахтанинг ҳаммаси юқори навларга сотилди.

Ғалабага Ҳ. Расулов, Ҳ. Бўрибоев, Р. Ёқубов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Бу ерда машиналардан ҳам самарали фойдаланилди. Умумий ҳосилнинг 70 фоизи терим агрегатлари бункеридан тўкилди. Б. Худойқулов, Г. Умаралиев, У. Сафаров, Б. Арслонов сингари механик-ҳайдовчилар 140—180 тонна пахта териб, хирмонга барака киритдилар.

Колхоз далаларида ҳам ҳосил мўл. Терим жадал давом этаёпти. Деҳқонларнинг мақсади давлатга яна 255 тонна пахта сотиб, ҳосилдорлигини 32 центнерга етказишдир.

З. ҚҲРТНЕЗИРОВ.



«ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» КОЛХОЗИ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ОҚҚҲРҒОН районидagi «Партия XXII съезди» колхозини деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш арафасида туришди. Ҳозир бу ерда кунига йиллик планининг 6 процентидан ошириб пахта тайёрланмоқда. Суратларда: [чапдан] илғор теримчи Ҳ. Султонова; 10-бригада бошлиғи А. Рустамов ва механизатор Т. Бўтаев; терим агрегатлари далада.

Суратчи П. ЭРҒАШЕВ.



УЛАР МАРРАГА ЕТДИЛАР

• УРТА ЧИРЧИҚ

РАЙОНДА яна бир хўжалик Ленин номли колхоз деҳқонлари ҳам юксак мажбурият ҳисобига пахта топиришини бошлаб юбордилар. Пахтакорлар 928 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ошириб, жамлан 2600 тоннадан зиёд пахта сотишди. Йиллик марра эгалланган бўлса-да, терим жадал давом этаёпти. Ўз иймониятларини ҳисоблаб чиққан колхоз деҳқонлари яна 400 тоннадан зиёд хом ашё етказиб беришга аҳд қилишди.

У. МАНСУРОВА.

• ПИСКЕНТ

ИШНИ тадбиркорлик билан пахта олиб бориш ўзининг самарасини берди. Сурункасига икки йилдан бўён йиллик планини ҳам удалай олмаётган Ленин номли колхоз деҳқонлари районда иккинчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чектишди. Давлатга 730 тонна юқори навли хом ашё сотилди. Ҳосилдорлик 28,5 центнерини ташкил этди.

Меҳнатини ташкил этишининг бригада, заено ва оила пудрати усулида иш юритган Қолдибой Тошпўлатов, Эсонбой Мамраев, Тоштон Гулмамметов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан ҳам ошиб кетди.

Колхоз аҳли даладаги ҳамма ҳосилни йиғиб-териб давлатга топириш мажбуриятини олди.

Т. ҚОСИМОВ.

СЕССИЯ КУНДАЛИГИ

12 октябрда СССР Олий Совети доимий комитетлари ва комиссияларининг иши давом эттирилди. Халқ депутатлари мамлакат парламенти иккинчи сессияси кўриб чиқиши учун киритилган қонун ақллари лойиҳаларини ҳар томонлама пухта муҳокама қилмоқдалар. Саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссияси-

нинг мажлисида мулк тўғрисидаги ва социалистик корхона ҳақидаги қонунлар лойиҳаларини мажмуаси кўриб чиқилди. Мунозаралар депутатларнинг мулк ва ишлаб чиқариш муносабатларининг янги шаклларига қарашларида анча тафовут борлигини кўрсатди. Октябрь ойининг охирида ана шу муаммолар юзасидан ўзига хос илмий-парламент конферен-

циясини ўтказишга қарор қилинди, унда депутатлар ва таъинли совет иқтисодчилари қатнашадилар. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети мулк тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Комитетнинг ишчи гуруҳлари ҳуқуқат лойиҳаси қондаларини ҳам, иқтисодий ислохот масалалари комитети тақдим этмоқчи бўлаётган, илмий муассасалар тақдим этган мулоҳазаларини ҳам ўз ичига олган ҳудуди шундай қонун лойиҳасининг гоиларини ҳам ҳисобга олувчи йиғма ҳужжатини тайёрлади. Мажлис қатнашчилари ана шу «ишчи вариант»нинг энг мақбул вариант деб ҳисоблаб, уни Олий Советнинг кўриб

чиқиши учун тақдим этиш макссадга мувофиқлигига ишончлари комил эканлигини айтдилар. Мамлакатимиз халқларининг тиллари тўғрисида умумдавлат қонунини бўладими ёки бўлмайдими? Икки комиссия — миллий сўбат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси билан маданият, тил, миллий ва байналмилал аънавларни ривожлантириш, тарихий меросни асраш комиссиясининг кўшма мажлиси ана шу муаммага бағишланди. Депутатлар ўзлари кўриб чиқишлари учун тақдим этилган СССР халқлари тиллари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини танқид қилдилар, ана шу ҳужжат устида ишни давом эттирадиган мах-

сус гуруҳга тузишга қарор қилдилар. Бу гуруҳга депутатлардан ташқари таъинли тилшунослар, ҳуқуқшунослар жалб этилади. Миллатлараро тил муаммоларини ҳал қилишда хорижий тажрибадан ҳам фойдаланишга қарор қилинди. Халқ депутатлари Советларининг иши, бошқариш ва ўз-ўзини бошқариши ривожлантириш масалалари комитети мамлакат Конституциясида кўзда тутилган СССР Олий Совети савтавининг ҳар йили бешдан бир қисминини ўзгартириш тўғрисидаги Низом қондадини кўриб чиқди ва умуман маъқуллади. (ТАСС).

БАРАКА—ТОМОРҚАДАН

БУ ҳаёвий эмас, бор гап. Аҳоли ихтиёридаги томорқа ери умумий экин майдонига нисбатан тахминан тўрт фойз атрофида. Лекин шунга қарамай жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тахминан 40 фойзчаси шу тўрт фойзгина ердан чиқади. Бундан ташқари сарҳиллигига рақобат йўқ.

Ҳозир бу гаплар партия, совет ва хўжалик органларининг республика кўламиндаги турли йиғинларида ҳам қайта-қайта айтилади. Айтилатганина эмас, балки озиқ-овқат ва уй-жой муаммоларини ҳал этишни тезлаштириш мақсадида одамларнинг томорқа ерлари кенгайтирилиши, хоҳловчиларнинг ҳаммасига маълум тартибда шундай ер бериляпти. Бу ҳақда республика партия ва ҳукуматнинг 1989 йил 15 августдаги махсус қарори эълон қилинди.

Ниҳоят ер ўзининг ҳақиқий эгаси бўлган деҳқонга ишониб тошириляпти. Расамади билан тақсимлаш, бошқариш, раҳбарлик ва ғамхўрлик қилиш эса Советлар ихтиёрига бериляпти. Бошқача қилиб айтганда бўлса, ўша иккилоб пайтида ўртага ташланган «Ҳокимият — Советларга!», «Ер — деҳқонга!» шiorларига яна қайтилади. Тўғриси, бу давлатлар ҳаёти кўчмай, шiorлигича қолиб келаётган эди, мана энди иккилобнишлар, журъатсизлик ва ҳатто қаршиликлар оша бўлса ҳам ўша муҳим шартлар амал қила бошляпти.

Аммо афсуски, ҳар томонлама фойдали бу муҳим тадбир ҳамма ерда ҳам қўтилганидек, айниқса, деҳқонлар истаганидек тез ёйилмаётир. Баъзи регионларда маъмулийлик, эътиборсизлик ёки нўноқлик, тушунмаслик туфайли бўлса, бошқа жойларда кўра-била турби яъни атайлаб қилинапти.

Бу даъвомиз қуруқ гап бўлиб қолмаслиги учун область агро-саноат комитетининг томорқа ери ажратиб бериш билан шуғулланувчи махсус экспедицияси аъзолари дуч келаётган вазиятлар ҳусусида тўхталаск. Экспедиция раҳбарларининг таъкидлашларига қараганда жойларга бориб аҳолининг томорқа ерларига бўлган эҳтиёжларини ўрганш, ҳисоб-китоб қилиб чиқиб хўжалик, совет ва партия органлари билан бу масалада бир қарорга келиш ва ишни тезлаштириш оғир кўчалпти. Масаланинг муҳимлигини тушунган экспедиция аъзолари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Аммо хўжалик, маҳаллий ҳокимият ва партия органлари раҳбарлари бу ишга сидқидилдан киришмас эканлар ер тақсимотини тезлаштириб бўлмайди. Ҳозир кўпгина регионларда айнан шундай бўлаётир. Аввало шунини таъкидлаш керакки, хўжалик раҳбарлари аҳолига томорқа ери беришга шояшлямайтиларгина эмас, балки бу ишни атайлаб орқага қўймоқдалар. Ўзлари хўжайинлик қилаётган колхоз-совхозларнинг экин майдонини камайинишдан манфаатдор эмасликлари, бундан чўчиётганликларини турли баҳоналар билан нўқоблашга уринмоқдалар. Ҳолбуки, улар ўз хўжаликларидан оилаларининг томорқа ерларига бўлган эҳтиёжларини ўзлари аниқлаб,

уларнинг талабини тезроқ қондиришда экспедиция аъзоларига кўмаклашишлари керак. Партия ва ҳукуматнинг бугунги талаби ана шундай. Бирок областнинг кўпгина районларида бу талаб мутлақо қониқарсиз бажарилаяпти.

Область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида энг қолиқ районлардан бири сифатида Оҳангарон районидан вазият талабчанлик билан муҳокама қилинди, аҳолига қараб хулоса чиқарилиб, тегишли қарорга келинди. Район ижроия комитетининг раиси Ю. Кўлдошев эса «Бизда оилаларга ер бериш масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ» деб мажлис қароридан хулосага қўшилмаслигини айтди. Лекин область ижроия комитети мажлисининг хулосаси тўғрисидаги ёки район ижроия комитетининг раиси ҳақини, буни рақамлар аниқ айтди.

Область ижроия комитетининг шу йил 31 августдаги қарорига биноан Оҳангарон районидан жами 2083 оиллага, шу жумладан, бу йил 1388 оиллага томорқа ери ажратиб берилиши керак. Экспедициядан олинган маълумотлар бўйича эса ҳозиргача, бор-йўғи 110 оиллага ер берилган, холос. Бу тошириқдаги 330 гектар ўрнига 25 гектар ер ажратилди деган сўздир. Ворошилов номи, Бўдённий номи, Серго номи совхозларда ишовчи яна 850 оиллага 130 гектар ер ажратиб тўғрисидаги тасвир район ижроия комитетига таъкидлаш учун берилганига анча кун бўлди, ҳамон дарак йўқ.

Юқорида таъкидланганидек, оилаларга эҳтиёжларига қараб чоррак гектаргача ер ажратиб беришдан мақсад шунки, одамлар ўзларининг шахсий уй-жойларига эга бўлишлар. Иккинчидан, ернинг бир четига молхона қуриб, ҳам чорвачилик, ҳам деҳқончиликнинг равон йўлга қўйиб, оила эҳтиёжларидан орган маҳсулотларини давлатга тошириш, бозорда сотиш билан озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ва нарх-навоини арзонлаштиришга ҳисса қўшишлар. Бу партия аграр сўбатининг пиროвард мақсадирид. Демак, район ижроия комитетлари қишлоқ аҳолисини томорқа ери билан, ишчи-хизматчиларни эса томорқачилик-боғдорчилик ширкатлари тузиш учун ер билан таъминлашга кенг йўл очиб беришга ҳаракат қилишлари керак. Бу, жумладан, Оҳангарон район партия комитетига ҳам вевосита тааллуқли вазифадир. Афсуски, область ижроия комитети мажлисида ҳам, томорқа ери ажратиб бериш билан шуғулланувчи экспедиция раҳбарлари билан бўлган суҳбатда ҳам район партия комитетининг ҳозирча бунга тескари йўл тутаётганлиги таъкидланди. Аслида эса, тақор айтимакчи, партия органларининг шу кеча-кундуздаги энг долзарб, энг ҳаётий вазифаларидан бири — аҳолини ер билан таъминлашни бутун чоралар билан тезлаштиришдан иборатдир.

А. ИҶЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ!

МАНБАЛАР БИЛАН ТАНИШАМИЗ

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонун лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда кўпгина муаммолар оидишлашганлигини сездим. Матбуотда ва махнатчиларнинг хатларига баён этилган тақлифлар лойиҳани таяёрлашда тўла ҳисобга олинганлиги кўриниб турибди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш юзасидан бошланган мунозараларда муаллифлар араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувини умумий таълим мактабларида, ўрта махсус ва олий ўқув юрталарида ўргатишни тақлиф қилган эдилар. Бу тақлиф Қонун лойиҳасида ҳисобга олинганлиги айни муддео бўлибди. Чунки тарихдан биламизки, кўпгина бадий асарлар, илмий рисоалар, маълумотлар араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида битилган. Уларнинг каттагина қисми мутахассисларнинг йўлиги учун архивларда чанг босиб ётибди. Араб алифбосини билган ўқувчи бу манбаларга тез йўл топиши, тарихни тириктириши мумкин. Эндиликда эски ўзбек ёзувида тарихий, адабий манбалар, китоблар, газета ва журналлар нашр этиш мўлжалланётганлигини ўқиб, гоят мамун бўлидим. Лойиҳанинг бошқа моддаларига ҳам тилимизни ривожлантиришга оид қиматли фикрлар билдирдик. Уларни барча газетхонлар қатори биз ҳам кўйлаб-қувватлаймиз. Ўзбек тилини ўқувчиларга мукамал ўргатиш билан бирга бошқа тилларни ҳам ҳурмат қиламиз.

С. СУЛТОНОВ,

Киров районидан 70-ўрта мактаб тарих-жамиятшуноски ўқитувачиси.

ЭНДИ ЙЎЛ ОЧИЛСА КЕРАК

ЎЗБЕКИСТОНнинг давлат тили ҳақидаги қонунини кўздан кечирганимда унинг олдинги лойиҳадагидан анчагина фарқ қилиши, кўпчилик билдирган фикрлар ҳам инобатга олинганлигини кўрдим. Бу, айниқса, араб илдосига асосланган эски ўзбек ёзувини мактабларда

дарс сифатида ўқитилиши, жой номларининг ягона ўзбекча шаклда берилиши ҳақидаги 18 ва 26-бандларда кўпроқ билинади. Ажабмаски, қонун ҳимоясига ўтганидан кейин ўзбек тилимиз қайта равнақ топса, ривожланса.

Б. ЭРГАШЕВ.

КЎПЧИЛИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

КЎТАРА САВДОЧИЛАР

БУНДАН икки-уч ой муқаллам, касалхонада ётган қайноамга пархез таом учун янги сўйилган мол гўшти харид қиламан, деб Эски шаҳар бозоридан гўшт растасига бордим: дўконлар бўм-бўм, гўшт йўқ. Вақт энди тушдан оғган эди, ҳайрон бўлиб Бешёғоч бозоридан гўшт растасига бордим. У ердаги дўконларда ҳам қасоблар илгаригидек харидор кутиб эмас, гўшт кутиб пашша кўриб ўтиришибди.

Е тавба, ҳозир одамлар бойиб, ҳамма дўкондан олти сўмлик гўшт елдиган бўлиб кетганими, нима боло?

Начора, бемор учун зарур, та-

ниш қидирдим. Бозорнинг бир кутасадисини ёрдам берди, гўштин дўкондан «таниш орқали» пештахта остандан сотиб олдим, камбўлиқнинг сирини ўша оғайини айтди: «кооперативлар чиққандан бери дўконда гўшт турмайдиغان бўлиб қолди: кўтара олиб кетишяпти».

Ана оқибат!

Бу ёмон оқибатни — яқна тартибда оқват тайёрлаш кооперативларини тутатган Фармонни қўллаб-қувватлайман.

С. БАҲРОМОВ,

В. П. Чкалов номида авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тоқари.

ПУЛ—ХАЗОНМАС!

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан тақиқланган кооперативнинг турлари айрим одамлар наздида пулни хазонга айлантириб қўйган эди. Сабоби оддий: бир килограмми 3-4 сўмдан олинган гўшдан 25—30 та каоб чўчиб турса, битта каобнинг нархи — 50 тийин. Бир кунда ўртача мингта каоб сотилса, фойдасини ҳисоблаб олаверинг. Фақат шунгина эмас.

Шахсий каобхона — хонадонлар кейинги вақтда туниг ресторанга айланиб қолган эди. Мен Чигатойдаги ана шу собиқ «ресторанлар» ёнидаги кўп қаватли уйда яшайман ва каобхоналарда ярим кечгача ҳаёт қайнашини кў-

риб турардим. Бу хонадонларда истаган пайтда ишписи 15 сўмдан арақ, ишписи бир сўмдан пиво, фанта, пепси-кола, ҳар қутиси бир сўмдан сигарета ва бошқа шу каби «майда-чуйда»лар харид қилиш мумкин эди. Бундан ҳам ёмон...

Ана шу хонадонларнинг айримларида хуфёна маншатхоналар (албатта, бу ҳам катта нархда) ҳам «очилган» эди.

Шу жиҳатдан бундай «шахсий ресторанлар» фаолиятини тақиқлаган Фармоннинг чиқиши улут воқеа бўлди.

Х. ЖАЪФАРОВ,

архитектор.

Ер—деҳқонга



тишади. Оила, эр, фарзанд — барчасининг кўнглини олиш аёлнинг вазифасига киради.
 Ҳўш, бу аёл қачон дам олади, қачон ўзига оро беради ёки қачон кино ва театрларга боради. Жавоб битта: «Ҳеч қачон!», Чунки ҳордиқ чиқаришга унинг иложи йўқ. Меҳнатдан қўллари қадоқ, юзларини бевақт ажин босган аёллар ўз ёшига нисбатан анча катта кўринадилар. Аёл кишидаги латофат, нозиклик уларни аллақачон тарк этган.
 Фермада 40 йилдан буён ишлаб келаётган Ҳалима Мўминова билан суҳбатлашганимда у шундай деди: — Ҳожиёв бизга раҳбар бўлиб келгандан сўнг ишларимиз яхши томонга ўзгарди. Планларни ҳаммишв ортиги билан адо этиб, мукофотлар

ришмайди, уйга кетишдан аввал душхонага кириб ювниб-тараниб олишмайди. На яқшанба, на байрамни билишадилар улар.
 Энди-чи! У, Ҳожиёв аёллар билан келишган ҳолда уларнинг ҳар бирига ҳафтада бир кун дам олишга рухсат берган. Шу кунининг унинг ўрнига Сидиққон Туёқов ишлайди. Кейинги кун яна бошқаси дам олади.
 — Дам олиш кунингизда нима билан шугулланасизлар! — сўрайман улардан.
 Аёлларнинг жавоби бир хил: нима қилардик, уй юмушларимизни бажарамиз. Илож бўлса ҳаммомга борамиз.
 Айтмоқчи, уларнинг айтишича, фермадаги душ бир неча ойдан бер

бур бўлаётганини айтди. Шуни айтиб ўтиш керакки, сабзавотга ихтисослашган колхоз территориясида истиқомат қилсалар-да, қартошқа, пиёз сотиб олиш учун Чирчиқ шаҳри ёки район марказига боришга мажбур бўлишадилар. Чунки ҳафтадаги сабзавот дўкони бир ҳафтада бир кун очилса очиледи, бўлмаса йўқ. У ерда сотиладиган сабзавотларнинг сифати паст бўлибгина қолмай, нархи ҳам худди бозордагидек. Ҳамма ердагидек, ферма аёллари совун, поршок йўқлиги, қандашак танқислигидан нолидилар.
 Фермада 27 йилдан буён ишлаб келаётган Бусара Ориповадан гўш билан таъминлаш масаласи қандай эканини сўрадим.
 — Биз гўштини 5 сўмдан сотиб оламиз. Бошқа илож йўқ. Билишимизча, шаҳарда ишлайдиганларга маълум кунларда гўшт бериледи. Бизда эса ундай гап йўқ. Фарзандларимиз пишлоқ, колбасани йиллаб кўришмайди.
 Саодат Тўхтамуродова, Сурайё Сермирзеевалар ўтган йили ўрта мактабни тамомлаб, оналари, оналари кетидан фермага ишга келишди. Улар оилали эмас. Демак, ташвишлари ҳам йўқ, деса бўлади.
 — Қизлар, кинотеатрларга бориб турасизларми!
 — Колхоз клубида тез-тез яхши кинолар кўрсатишди. Лекин у ерга боргандан бормаган яхши. Чунки ўриндиқлар кингир-қийиш, кўплари синган. Бундан ташқари, киномеханик лентани узиб-улайвериб асабини бузди. Уша пайдаги ҳўштасовозлик эса қулқони қоматга келтирди.
 — Яна қандай камчиликлар бор!
 — Бош ювиш учун шампунь топилмайди. Одий килиш йўқ.
 Ҳар ойда бир марта савдо хизмати уюштириши шарт бўлган қишлоқ матлубот жамаияти ходимлари йиллаб фермага келишмайди, аёллар учун зарур бўлган одий пойабзал, пахтали кэмзул, пахмоқ халат наҳотки магазинларда йўқ бўлса. Ахир улар чет эл молларини талаб қилишмапти-ку!
 Дилбар Тўхтамуродова, Ақида Орипова, Дилбар Сермирзеева, Қўтби Шораҳмедова ҳамда номлари юқоридега зикр этилган аёлларнинг ҳеч бири шаҳар аёлларидан кам эмас. Фақатгина уларнинг меҳнатида, турмуш шариғида фарқ бор. Шундай экан, қишлоқ аёллари камситилмаслиги, эътибордан четда қолмаслиги керак.
 Булар ҳақида ким қайғуради!

КОЛХОЗ фермаси коллектив ижара пудратига ўтиб ишлаётганини эшитган эдим. Демак, у ерда иш қизгин, даромад ҳам шунга яраша юқори бўлса керак, деб уйладим. Дарҳақиқат, худди шундай экан.
 Оржоникидзе районидagi «Права» колхозини фермаси аъзолари шу йил бошидан ижара пудрати усулида ишлаб бoшладилар. Коллектив 50 кишидан иборат бўлиб, уларга Унар Ҳожиёв раҳбарлик қилди.
 Фермадаги 855 бош қорамолдан 265 боши соғин сигирлар. Коллектив аъзолари йил давомида 837 тонна сут соғиб, 745 тоннаса колхозга топширилиши керак. Шу кунгача 622 тонна сут соғиб олиниб, 577 тоннаса колхозга сотилди. Бўғоз сигирлар бузоқлаш арафасида турибди. Демак, тез кунда кунлик сут соғиб олиш кўрсаткичи яна ортади. План ортиги билан адо этилиши ҳозирдан маълум. Йиллик гўшт топшириш плани 82,4 тонна бўлиб шу кунгача 77 тонна гўшт топширилди. Бу борада ҳам ишлар яхши.
 Фермада соғувчи аёллар 14 нафар. Уларнинг ҳар бирига 25 соғин сигир бириктилган. Говмишларнинг ҳар биттасидан кунига 10—11 килограмдан серқаймоқ сут соғиб олаётган аёлларнинг ўртача маоши 250 — 260 сўми ташкил этмоқда.
 Кўриб турибсизки, план-кўрсаткич бўйича ҳамма ишлар жойида. Бирок... Биз ҳикоя қилаётган аёллар ҳақ кунни, хоҳ яқшанба, хоҳ байрам бўлсин, тонг сахар соат 4 да уйғонишадилар. Фермага келиб, соат 5 да сигир соғишини бошлайдилар. Эрта тонгда ширин уйқудан воз кечиб, ишга отланишининг ўзи бўлмаса керак. Тонгини ишни туратиб, соат 7 да уйларига қайтишадилар. Фарзандларига нонушта тайёрлаб, мактабга, боғчага кузатишадилар. Сўнг тушдаги соғинга қадар уй юмушлари билан банд бўладилар. Тушдан кейин кечки овқат, кир-чир, бозор-ўчар, хуллас кечки соғиндан ҳориб уйларига қай-



ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИНИНГ ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

оляпмиз. Фермадада дам олиш хонаси, турли йиғилишлар учун зал, душхона бор. Керак бўлса дам олиш уйлари, санаторийларга йўланма-лар оламиз. Хуллас, бир сўз билан айтганда ишларимиз яхши.
 — Сиз ўзингиз бирор марта дам олиш уйига бордингизми! — сўрайман суҳбатдошимдан.
 — Йўқ, менинг иложим йўқ, Оила, болалар.
 — Дам олиш хонасида телевизор кўриб, радио тинглайсизларми! Еки газета-журналлар ўқийсизларми!
 — Вақтимиз йўқ.
 Ҳа, ҳамма гап мана шу вақтнинг йўқлигида. Ҳар бирларида 4—5 нафардан фарзанд бўлган бу аёллар ҳеч қачон бу ерда дам олиб ўти-

ри ишлас экан. Ёз бўйи бирор марта ҳам душдан фойдаланмадик, дейишди улар. Байтўрғон қишлоғида ҳамаси бундан 25 йил илгари қурилган ҳаммом бор. Лекин у ҳам ҳафтада уч кун ишлар экан. Демак, у ерга кириш учун навабт куттиш керак. Кирганингизда тоғоралар етишмай таъбингиз хира бўлади.
 Фермада 28 йилдан бери ишлаб келаётган Назира Бекзатуллаева эса қишлоқда ўқув қуроллари билан савдо қилувчи магазин, аёллар сарта-рошонаси ёки кийим-кечак тикиш ательеси йўқлигидан нолиди. Дилбар Тўхтамуродова фарзандларига колготки тополмай, олиб-сотарлардан ҳар бири 1 сўм 80 тийиндан колготкиларни 4—5 сўмдан олишга маж-

Р. УСМОНОВА,
 «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

«РОССИЯ» давлат концерти залида ўтказилган «1989 йилдаги Москва «Гўзал» конкурсида гўшбичинча Лариса Литвичевская юксак унвон соҳибаси бўлди.
 Суратда: Москванинг янги гўзал — Лариса Литвичевская. ТАСС сурати.



ОРАСТАХОНГА МАКТУБ

Совуққонлик қилишяпти

Биз Собир Раҳимов район Б-3, «Г», «В», «В» корпусларидаги беш қаватли уйларида истиқомат қиламиз. Илгарилари ахлат ташувчи машина ўз вақтида келиб турарди. Мана бир ойдики, корасини кўрсатмайди. Ахлат ташлаш учун махсус жой ажратилмаганлиги сабабли уйларида атрофи ахлатхонага айланди.

Энди катталар ишга, ёш болалар боғча ва мактабга худди шу ахлатхоналар орада ўтиб боришди. Бу санитария-гигиена қондаларига сира тўғри келмайди. Яхшиямки ҳозир кунлар анча салқинлашиб қолди. Агар ёз ойлари бўлса борми...
 Бу борада маҳалла комитети раиси ва маҳалла активлари тегишли жойларга

бир неча бор мурожаат қилди. Лекин натижа қичмади.
 Бундай аҳволни Беруний кўчаси бўйлаб бир неча жойда учратиш мумкин. 4-поликлиника, кўпник олдига ҳам аҳвол юқоридагидек.
 Қайта қуриш ва ошқоралик шамоли эсаётган бир пайтда ўз вазифасига ҳали ҳам совуққонлик билан муносабатда бўлаётганлар бор.
 Атроф-муҳитни озода тутиш ҳар биримизнинг бурчимиз-ку, ахир. Наҳотки буни райондаги 19-автодорمهخابа идораси ходимлари тушунишмас?! Буни аниқлашда бизга, Орастахон, сен ёрдам берасан, деб умид қиламиз.
 Аҳоли номидан
 ИZZAT АХМЕДОВ,
 Тошкент шаҳри.

ЎДИНГИЗДА БЎЛСИН
 ● Мўйна буюмларини вақти-вақти билан ўткир тишли тароқ билан тараб туриш керак. Агар буюмга куя тушган бўлса, уни тозаланган бензин билан артинг. Тозаланган буюм устига бор кислотасини сепинг. Бир неча соатдан кейин уни қоқиб ташланг.
 ● Шубани аввало яхшилаб қоқиб сўнг бензинга ҳўланган чўтка билан чўткалаш керак. Рангли мўйна буюмларини қуруқ ёки бензинга ҳўланган картошка билан тозалаш ҳам мумкин.

● Агар кийим чўтниси юмшаб, бўшашиб қолган бўлса, ачиқтош эритилган сувга икки-уч соат ботириб қўйинг, чўтка қиллари янгидек дағал бўлади.
 ● Жўн, ипақ, сунъий ва аралаш тотали кийимларини совиши сувда ёки синтетик ювиш порошоклари ва новшадил спирти солинган сувда ювтиб, сўнгра ювинг.

● Тўр парда ва бошқа тур буюмларни ювтиганда ҳам бир хил воситадан фойдаланинг. Бундай буюмларни гоҳ совуни, гоҳ порошокни сувда ювиб бўлмайди. Рангли қоракўл ва кўён мўйнасида тикилган буюмларни кепак, сули ёки жавдар уни билан тозалаш осон, лекин уларда хас-чўлар бўлмаслиги керак.
 ● Қизил рангли ёки қизил-

га бўялган кийимларни юваётганингизда қизил сийдан бир неча томчи қўшиб юборсангиз, уларнинг ранги сақланиб қолади.
 ● Қора шойини сувда эмас, гўзун ёки ҳинд чойида чайқасангиз ялтироқлиги йўқолмайди.
 ● Пиёз суви арч ва бошқа ҳашаротлар қақанга жуда яхши давотлар.

Социал масалалар бўлимида : долзарб мавзу

ЯҚИНДА «нинг хил майда-чуйда» магазини кириб, кир ювадиган порошок сўрадим.
— Йўқ, биздан олиб қўйишди, — жавоб берди со-
тувчи.
— Атир совун-чи?
— Униям олиб қўйишган.
— Кимга олиб беришди?
— Райпишчоторларга.

Райпишчоторга қарашли озиқ-овқат магазинлари кир ювадиган порошок ва атир совунлар билан ҳам савдо қилапти. Бунинг ёмон жойи йўқ, озиқ-овқат хариб қилгани қирган харидор бирийла рўз-рога керакли ювиш воситаларини ҳам сотиб олади. Бироқ... харидор уларни эркин сотиб олмаётми-да, талон билан бериляпти. Хўш, шундай экан, бу камёб буюмлардан хўжалик моллари ва минг хил майда-чуйда магазинларини махрум этшининг зарурати бармади!

Майли, гап бу ҳақда ҳам эмас, талон ҳақида.

Маълумотларга кўра, областимиз, республикамиз ва мамлакатимиздаги совун ишлаб чиқарадиган корхоналар энди уларни ишлаб чиқаришни тўхтамаган, улардан айримларига ўт ҳам кетмаган. Балки, аксинча, айрим корхоналарда совун ва порошоклар илгаригига нисбатан кўпроқ ҳам тайёрланяпти. Хўш, унда нега кир ювиш воситалари камёб матоҳга айлиб қолди, бунинг сабаби нимада? Ким айбдор?

Мен, айбдорлар орасида энг каттасини ТАЛОН деб атамоқчиман. Бу хомхаёл ёки юзаки гап эмас, текшириш ва кузатишлар натижасида келиб чиққан асосли фикр.

Машҳур латифа бор: афанди йўлда кетаётди бир неча махаллада болаларни алдабди: югуринлар, фалон жойда бир чол ёнғоқ улашяпти! Қараса, болалар бири-бирдан эшитиб гурра-гурра югуриб кетаётган эмши. Ие, ростга ўхшайди-ку, дея афандининг ўзи ҳам болалар ортидан ўша келган томонига югурибди. «Совун бўлмас эмши» деган гапдан сўнг бирдан савдода совун куриди, «ие, ростдан ҳам совун йўқ-ку» деган савдо ва совет ташкилотларининг раҳбарлари талонни жорий этишди. Бу эса вақтинчалик вазиятни тезда мўтадиллаштириш ўрнига, баттар мураккаблаштириб юборди. Нега, қандай қилиб?

Ҳозир кир ювиш воситалари илгариги йиллардагидек ишлаб чиқариляпти, омборларда ўз ишига талон билан берилади. Бироқ, у талон билан берилган эса, кимдир уйда совунга зор, совун эса омборда харидорга зор. Талон билан берилган совун билан қанд-шакларнинг пешонасига «кунуний камёб» деган тамга боқилди, яъни, унинг яқин келгусида қўйишига ва очик сотилишига одамларда ишонч йўқолди. Ишонч йўқолган, бугун менга шаклар ва совун керак бўлмаса ҳам мен менга тегишли талончи олишдан воз кечмайман ёки уни бировга ҳада қилмайман, албатта ўзим олиб, уйга ҳамлаб қўяман. Шунга ўхшаш кўп одамлар бу ҳақда гапиряпти: ўн кишига ўн кило шаклар оляпмиз, ёзда-ку шарбатлар тайёрлашга ишлатилади, қишда унинг яқин ҳам кетмайди, икки яшиқ шаклар тўпланиб қолдиб уйимизда.

Совун ҳам худди шундай: йўқ бўлар эмши дея овоза тарқалган. дастлабки даврда одамлар яшиқлаб олиб ҳамлаб қўйган бўлсалар, ТАЛОН яшиқлаб сотилишини «бир маролга» солиб қўйди. Энди, совун магазинда бемалол турмаган, уддасидан чиққан ҳар бир одам топса бир яшиқ-кям-кям яшиқ сотиб олади. Эъини эса ким топляти! Емгирдан кейинги кўнжориндек кўпайиб кетган текширувачи-

лар. Утган ойда Тошкент обла-ласти мағзин ва омборларида қанд-шаклар ва ювиш воситаларининг аҳоли комплекс текширилди. Шунда, ишчи комиссиясининг вакили бўлган аёл, омборда кир совуннинг донаси ва вазни тўғрисида баҳс чиқиб қолганда, у ўтган ҳафтада сотиб олган бир яшиқ совуннинг вазни корхонада белгиланган вазидан анча енгил чиқганини айтиб, ҳозирги фикрини исботламоқчи бўлди. Мен, гапнинг очиги, қаергадир совунни текширишга бориб бир яшиқ совун сотиб олган ишчи комиссияси аъзосини қораламоқчи эмасман. Чунки уйда ҳар ҳафта «совун қолмади» деган совуқ гапни эшитавериб жонингизга тегиб, эъини топсам ўзим ҳам бир яшиқ совун сотиб олишни ўйлаб қўйган эдим. Бу ерда харидор эмас, балки, баъзи харидорни со-

нинг «ширинлики» ўчилиги ҳам бўлса керак. Олмалик шаҳар ҳалқ контроли комитети ходимлари эса кон-металлургия комбинатига қарашли 4-ЖЭК бошлиги Пўлат Садуллаевнинг уйдан(!) 400 килограмм шакларга талон топишди.

Янгийўл шаҳридаги Маҳмуд Мелиев мудирлик қилаётган 21-мағзинга 13 июль куни 1250 килограмм шаклар, 16 августда 1240 килограмм қанд келтирилган. Текширишда 150 килограмм шаклар ва 100 килодан ортиқроқ қанднинг талонни йўқ эди.

— Узимизнинг ходимларга оз-оздан тарқатдим, — дейди мудир, — яна, бир-иккита ёш боласини кўтариб йиғлаб келган аёлларга сотдим.

Эътибор бериш, ёш болали она бир кило қанд сўраб кўз ёши қилса... Шакар савдо идораси директорининг ўринбосари бир акахонига беш

этилмаган 1987 йилда бу идора 142 минг 974 тонна маҳсулот қабул қилган бўлса, талон жорий этилган 1989 йилда бу рақам 157 минг 883 тоннага етди. Яъни, роса 15 минг тонна (!) ортиқ. Хусусан, Тошкент шаҳри аҳолисига бу йил 44 минг 235 тонна маҳсулот етказиб бериш мўлжалланган. Бу эса 1987 йилдагидан 3972 тонна кўпдир. 1987 йилда етган эди, энди ундан кўпи ҳам етмапти...

Область матлубот жамиятининг Тўйтепадаги районларо базаси (директори У. Искандаров) бешта районни саноат ҳақида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Айни пайтда, совун ва порошок қандай, қанчадан тарқатилиши ҳақида ёзма кўрсатмани ҳали олмабдилар. «Шакар қандай тарқатилса, совунни ҳам шундай тақсимлайверинглар» дейишибди раҳбарлар оғзаки.

— Нега бунини магазинларга тарқатмайсизлар?

— Разнарядка келгани йўқ... Камёблик ва талон усули, шунингдек, ўғирликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Шу бозада 24 минг (!) донга ювиш порошогини шу йил февраль ойидан бери «қамлаб» қўйилган. Булар — ашъвий далил, суд бўлмагунча буларга тегиб бўлмайдми. Гап шундаки, 1988 йил 30 майда бир ҳайдовчи устидан жиноий иш кўзгатишган. У Тошкент кир ювиш воситалари заводидан ўғирлаб чиққан порошокларни «Орасув» матлубот жамиятига қарашли 19-мағзини мудир Р. Махаммадхоновага, шу ташкилотга қарашли 9-мағзини мудир З. Арзиевага, Тўйтепа шаҳар матлубот жамиятига қарашли 1-гастроном мудир М. Абдуллаевага, Бўқадаги «Ҳамза» матлубот жамиятига қарашли 1-мағзини сотувчиси Г. Абдувоҳидовларга пуллаган. Терговнинг бир ярим йилдан бери тугамаётгани танқидга лойиқ, бироқ, область Ички ишлар бошқармаси катта терговчиси С. Юсуббеовнинг изохига кўра, заводдан ҳам кўп шаклар жиноий жавобгарликка тортилаётгани учун иш чўзилиб кетган. Наҳора, тезроқ суд бўлиб ўтса, бир ҳовуч кишиларнинг боийиш манбаи бўлолмаган «ашъвий далилни» биттадан сотилса 24 минг кишини, бутун бир районнинг яқин аҳолисини порошок билан таъминлаш мумкин...

Камёб молларни санаб, омборларда мавжуд қанд-шаклар ва совунлар миқдори тўғрисидаги рақамларни келтиришдан мақсад — камёблик, тўғриси, сунъий камёблик кимга мазкул-у кимга номазкул эканини кўрсатиш. Анкироғи, камёб маҳсулот ва буюм қанча кўп бўлса, савдо соҳибларига шунча мазкул. Улар зўр бериб мана шу камёбликни бой бермасликка ҳаракат қиладилар, мабодо бугун камёб нарса эртага омборда уюлиб кетса ҳам, ойлаб ва йиллаб уни пештахта остидан илтимослару «шапкаси» билан сотган сотувчилар энди очик-эркин сотишга кўнйолмайдилар, бу уларга эриш туюлади.

Бунга бир мисол. Газета телевидение ва БХСС билан қўшма рейд ўтказди. Ҳамма автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станцияларида аккумуляторлар тахлиби ётибди. Узоқ йиллар аккумуляторни камиди 20—30 сўм «шапкаси» билан сотган омборчилар эса ҳамон уни осонгина ўз нарҳига бериб юбораётганларни йўқ. «Аккумуляторни ўз нарҳида сотиб олишинингиз мумкин» деб газетда ёзганимиздан кейин, «Узавтотехобслуживание» бош директори бу ҳақда телевидение орқали эълон қилганидан кейин ҳам мўл-кўл аккумуляторларнинг эркин сотишга эришиб бўлмади...

Шундай қилиб, кимдир зориктирётган, кимдир бойинтаётган, кўпчилик кишиларни — халқни хасис-очкўз қилиб қўётган ТАЛОННИ йўқ қилиш керак!

Ҳозир, масалан, даярлик ҳаманин уйда қанд-шаклар ва совун бор: ишонхондан, турар-жойидан талон орқали олин-япти. Омборларда ва маҳсулотлар бор. Заводларда ишлаб чиқариляпти, илгаригидан кўпроқ ҳам. Айрим одамлар эса бир неча ойлик ва ҳатто йилга етадиганини ҳамлаб қўйишган.

Шундай экан, одамларга ноқулайлик туғдириш билан бирга Совет давлатининг шаънига ҳам путур етказадиган ТАЛОН нимага зарур!

Сунъий камёбликни сақлаб туриш учунми? Сунъий камёблик кимга мазкул? Нега ҳалқ бир ҳовуч фойдахўр одамларнинг ногорасига ўйнаши керак!

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.



аунга, қанд-шакларга зор қилиб қўйган, баъзиларни эса бу маҳсулотларни қоплаб-яшиқлаб сотиб олишга ундаётган ТАЛОН айбдор.

Эслаб кўрайлик, қанд-шаклар ва совун илгари ҳам вақтинча-вақти билан «йўқ» бўлиб турган, лекин бундай ҳол вақтинчалик бўлган. Тезда ўрнига тушган, чунки унда талон жорий этишга улгурмаган эдик. Хўжалик моллари магазини мудирининг фикри:

— Совун тақчиллиги бошланганда базадан келтирилган совун ва порошокни пешма-пеш сотиб турардик. Талон йўқ эди. Бугун навбатда туриб тўртта совун олган харидор, ҳа бор экан, соталпти-ку, бу тугагунча яна сотиб қолар деб нисбатан хотиржам юрарди. Ювиш воситаларини биздан олиб райпишчоторларга беришди-ю, биратўла «қаҳатчилик» бошланди. Одамлар нон ўрнига совун еяптими, тушунолмайсан. Талон вазиятини баттар мураккаблаштирди, одамларни хасис—очкўз қилиб қўйди.

Мулоҳаза қилсак, бу фақат совунни «улардан» олиб қўйгани учун аламзадалик билан айтилаётган нола эмас, асосли гаплар. Ўз фикрини асосли мудир фикрини асослаш учун мисолларга мурожаат қилайлик.

Олмалик ишчи таъминоти бошқармасида шу йилнинг ўтган сиквизи ойда 47 тонна қанд-шаклар фондда белгиланганидан кўп тарқатилган. Сабаби, талон тарқатиш турар-жой эксплуатация бошқармаси ихтиёрига топшириб қўйилган ва бу ишни ҳеч ким назорат қилмаган. Оқибатда, ҳовтда йўғу ҳада бор одамларга талон «тарқатилган». 2-турар-жой бошқармасида рўйхатда 7602 киши ҳисобда туради, лекин бу идора раҳбарлари 9400 кишига талон «тарқатилган». 2-турар-жой бошқармасининг бошлиғи тўрт ойда беш марта янги бўлганининг бир сабаби раҳбарлар-

кило шаклар бериб юборишни тайинлаб магазини мудирига хат ёзиб берса, бу хат талонлар орасида ётса...

Мен яна дедил айтман: бошқа сабаблар қаторида бунга ҳам ТАЛОН айбдор.

Мана, яна фактлар: савдо идорасининг омборида республика «Узоптбакале» ташкилотининг 1-базаси ҳисобига да турувчи шаклар-қандлар ҳам сақланган. Текширишда план бўлими берган маълумотлар бухгалтериядаги ҳисоб-китобларга тўғри келмади, катта товаршунос Х. Мирзакамоллов негадир рақамларни айтишдан чўчиди, омбор мудир Х. Зокиров рейд аъзоларини кўриши билан саросимкага тушди, ҳужжатларни уйда(!) сақлашини рўйқ қилиб, кўрсатмади. Рейд бригадаси иштирокида маҳсулот санаб чиқилди: 50300 килограмм шаклар, 14480 килограмм қанд бор экан. Омборчи сентябрь ойда 250 килограмм шакларни 68-мағзинга, яна 5 қоп (!) қандни директорнинг буйруғи билан бировга берганидан бошқа ҳисоб-китобни айтолмади.

Идорада ҳужжатлар кўтарилиди. Катта товаршунос Х. Мирзакамоллов «Узоптбакале»нинг омборида 252 тонна (!) шаклари бор, деб айтди. Ие, ундай бўлса 187 тонна (!) шаклар қани, қаёққа кетди!

Район билан шаклар бирлашганда, раҳбарларнинг оғзаки гапи билан бунча маҳсулот район аҳолисига сотиб юборилган эмши. Бироқ Х. Мирзакамоллов негадир бу фактни ёзиб беришдан қатъий бош тортиди. Ҳатта тушдинг, ўтга тушдинг, деган ҳикматини яхши ёдлаб олган шекилли-да.

187 тонна! Янгийўл шаҳрининг бу маҳсулотга ойлик фонди 62 тонна эканини ҳисобга олсак, юқоридagi рақамнинг салмоғи яққолроқ кўзга ташланади.

Энди Тошкент шаҳрига, «Узоптбакале» идорасига келайлик. Ҳали талон жорий

Кир совун тақсимоти гарчи бу базадан олиб, область ҳўжалик—қурилиш материаллари савдоси базасига топширилган бўлса-да, бу ерда «немадир» бир омборда 195 яшиқ, бошқа омборда 225 яшиқ, яъни, 65 минг донадан ортиқроқ кир совунлар тахлаб қўйилибди. Область матлубот жамияти тақсимоти бўйича Бекобод ва Бўқа районларига 8 ойда 15 тоннадан кир совун бериш қайд қилинган. Бироқ булар Бўқага 30,8 тонна, Бекободга 14,3 тонна беришган. Рейд бригадасига дурустроқ сабаб кўрсатишолмади. Шунингдек бир неча омборда жами 100 минг донга яқин турли атир совунлар тахлиби ётибди. Бундан ташқари, 1460 қоп, яъни 360 тонна қанд тахлаб қўйилган. Ювиш воситалари, қанд-шаклар кеча ё ўтган кунни келиб тушмаган омборга, бир ойдаан ортиқ бўлган уларнинг келтирилганга.

Сабаб — талон.

Базода талон билан эмас, очик савдода сотилиши керак бўлган бошқа буюм ва маҳсулотлар ҳам ҳафталаб, ойлаб ётибди. Масалан, чет элдан келтирилган 2076 қути (63.960 донга, ҳар бири ярим килограммлик ўрамда) вермишель (шпегети) салкам бир ойдан бери «тузлаб» қўйилган. Хўлбуки бу маҳсулотнинг область уёқда турсин, Тошкент шаҳрида ҳам пештахтада очик сотилганини кўпчилик кўрмаган.

Камёблик ва талон усули ҳар хил ишриш ва сунъий «ҳарақатсизлик»ларга ҳам олиб келаяпти. Масалан, Чигирикдаги область ҳўжалик-қурилиш материаллари базасида (директори Қ. Абдураҳмонов) текшириш кунидан икки-уч ҳафта олдин келган ювиш воситалари қимирламай ётибди: 2304 донга «Русана» (суюқ совун), 517 қути (ҳар қутида 12 тадан) «Эверест» (Югославияда ишланган) ювиш порошогини.



Бу ҳолни бировга гапириб берсангиз наҳотки, янаги йилга ўзининг 70 йиллигини нишонлай деб турган дорилфунунинг кутубхонаси бундай ноҳол ҳолатга тушиб қолган деб ишонмаслиги мумкин. Афсуски, шундай. Талабалар Тошкент Давлат дорилфунунининг бу маърифат ўчоғидан ўзларига зарур бўлган дарсликлар, қўлланмаларни топа олмай сарсон бўлаётганликларига бир неча йил бўлди. Кутубхонада китоблар зах хоналарда, ноқулай об-ҳаво шароитида тезда яроқсизланаётгани, турли шаҳарлардан олинаётган адабиётлар жой йўқлигидан наолашиб ётганлиги тўғрисида матбуотда илгари ҳам ёзилган эди. Барибир ўзгарини бўлмади. Кутубхона мудирин Т. Расуловага бу борада гап очадиган бўлсангиз дарду ҳасратидан чанг чиқади. Китоблар тақдирини, студентларнинг қисматини ўйлаб бағри эзилади.

— Кўз ўнгимда шундай ҳазина хоналар торлиги ва ноқулайлигидан чириб бораётганлигини кўриб ўзимни қўйишга жой тополмайман, дейди у. — Тахламларни неча бор сув босди, чакка остиди қолган китоб уюмларини аёл кишиларга у ёқдан бу ёққа ташийвершининг ўзи бўлади дейсизми? Қишда соvuқдан титраб қақшаганлигимиз, лабимиз кўкариб гапиршига мажолимиз қолмаслиги ҳақида сўз очмай қўя қолмай. Ҳозир сизга вазиятни тушунтириб берайману, аммо бирон бир ўзгариш рўй беришига ишонмайман. Негаки, кутубхонамиздаги аянчли аҳволни рўй-рост намойиш этган телевидение кўрсатувидан кейин ҳам ҳеч қандай ижобий силжиш бўлмади. Ҳолимиздан ҳабар оладиган инсон топиламапти.

• Тошкент ҳақиқати бони уради

ЭНГ ХАРОБ КУТУБХОНА

Университетда уч-тўрт йил ўқиб қўйган талабалар кутубхонадаги «турмуш тарзи»га анча кўникиб қолганларидан кўпда ходимларни хуноб қилмайдилар. Лекин ўқишни янги бошлаганларга китоб йўқлигини тушунтириш қийин. Улардан баъзилари қизиққонлик қилиб «бу кутубхонами ўзи, нега дарслик йўқ бўлар экан, биз ҳеч нарсани билмаймиз», деб дапмон беришяпти...

Шундай катта билим муассасасида аҳвол шу. Гап китоблар ҳақида борар экан, биз талабаларга боғлиқ жиддий нуқсонлар тўғрисида ҳам гапирмасдан ўтолмаймиз. Не-не машаққатлар авазига эришилган қўлланмалар, В. И. Ленин асарлари тўғрисидаги варақлаганимиздан ничдан анча бошлари йиртилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ахир китобларнинг ҳеч кимга нафи тегмаслиги ҳечингил ҳол эмасми?

— Жами 353 минг бўлгани ҳолда аксарият адабиётларнинг путури кетган, — дейди бўлим мудираси Л. Сулаймонова. — Ҳар ўн талабага биттадан китоб тўғри келаётганлиги ҳам шундан. Бу тарзда студентларда билим олишга иштиёқ сўниши табиий, албатта.

Кутубхона иши билан танишар эканмиз, айниқса ижтимоий факультетлар талабалари учун дарсликлар етишмаслигидан ранжидик. Хусусан ўзбек адабиёти тарихи, журналистика, инглиз, форс тили, ўзбек адабиёти назариясига оид зарур китобларнинг юзини кўриш студентларга оруз бўлиб қолаяпти.

Республикамизнинг энг тўнғич билим маскани бағридан қўллаб ўқув юрлари ажратиб чиққанлиги, университетда таниқли тадқиқотчилар намол топанлиги ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг анчагинаси, ўз билим ва малакаларини дорилфунунинг илмий кутубхонасида оширганлар. Бу жойини ўзларига табаррук даргоҳ деб билганлар. Аммо илмий кутубхонанинг бугунги манзараси тамомила ўзгача яванлар, хоналарга сизмаганлиги туфайли минглаб китоблар қандай олинган бўлса тахлами билан ҳатто боғичи ечалмай зах босиб турибди.

Шу кутубхона директорининг ўринбосари Н. Шатрованинг ташвиши бир дунё.

— Бундай маънавий бойлиқнинг хор бўлаётганига чидаш мумкин эмас, — дейди у. — Лекин илжосизмиз, ку-

тубхонамиз учун бино қуриб бериш эса йилдан-йилга пайсалга солинмоқда. Оқибатда энг зарур соҳалар бўйича олаётган адабиётларимизни ҳам жойлаштира олмаяпмиз.

Чиндан ҳам кейинги йилларда ижтимоий фанларни чуқур эгаллаш бўйича жиддий талаблар қўйилди. Аммо КПСС тарихи, марксча-ленинча философия асослари, сиёсий иқтисод, илмий коммунизмга оид дарсликлар, илмий адабиётлар анчадан буён анқонинг уруги.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, кутубхоналарда, айниқса, ўзбек тилидаги дарсликлар ва қўлланмалар ҳам танқис. Бу муаммо тилимизга давлат мақоми бериш тўғрисида бутун элимиз жон куйдираётган бир пайтда студентларни янада жиддийроқ уйлантирмоқда. Ваҳоланки, бундай дарсликлар йил давомида тайёрланиши керак эди. Ахир республикамизнинг илмий кучлари орасида фахрланса арзийдиган миллий кадрлар — йирик фан арбоблари, таниқли олимлар, катта-катта маош оладиган мутахассислар бор-ку. Улар ўз тилларига қайишсалар бўлмайди? Қолаверса, «Фан», «Ўқитувчи» нашриётлари, коллективлари бундай муаммоларни қачон ҳал қилиб берадилар?

Очиргини айтсам, мен кутубхонамизга, тилимизга бўлган эътиборнинг йиллар давомида сусайиб кетганлиги ҳақида ўртаниб ёзаялман. Бу билан бирон бир ижобий ўзгаришга эриниш умидидаман, холос.

Саида ИҶЛДОШБЕКОВА.

РЕДАКЦИЯДАН: С. Йўлдошбекова ўз хатида гош дозларб муаммони кўтарган. Чунки биргина университетда эмас, бошқа олий ўрта махус ўқув юрларида ҳам дарсликлар, турли адабиётлар танқислиги ҳаммага аён.

Кутубхоналарда зарур адабиётлар етишмаслиги билан мутлақо келишиб бўлмайди. Бугун китоб тополимай қунини ўтказиб, эртага қўлга бир амаллаб диплом олган гўр мутахассислар ҳалқ хўжаллигига йўл олсини, сиз билан бизнинг, фарзандларимизнинг тақдирини шулар қўлида бўлиши ҳақида ўйлаб кўрсак, ўқув муассасаларидаги лоқайдликнинг ҳузук оқибатлари янада равшанроқ кўринади.

Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махус мактаблар учун дарсликлар, қўлланмалар танқислиги қандай ҳал қилинаётганлиги тўғрисида биз республика ҳалқ таълим раҳбарларидан аниқ жавоб кутамиз. Дорилфунунда кутубхона учун қулай бино йўқлиги, китобларни сақлашга етарли шарт-шароит яратиб берилмаганлиги жуда-жуда ташвишлиқдир.

Хўш, шундай экан, университет ректората бу масалага қандай муносабат билдираркин? Бизни аша шу саволиниг жавоби қизиқтиради.



«РАҲБАРЛАР ИНДАШМАЯПТИ»

«Бўка — Коммунизм» колхози оралиғида қатновчи автобуслар қулиқ планини бажара олмай автопаркка зарар келтиргани учун йил бошида мазкур маршрут ёпиб қўйилди. Колхоз правление-си автопарк раҳбарларининг зарарини қоплаш ҳақидаги талабни рад этди.

Газетанинг 17 август соинида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий хабарга «Ташобласстранс» бир-лашмасининг бошлиғи С. Раҳматуллаевдан жавоб олинди. Унда «Коммунизм» колхозини орқали «Бўка — Оқдўрғон» ҳамда «Бўка — Сирдарё» маршрутларида шу кулларда 6 та автобус колхозчиларга хизмат кўрсатиб, уларнинг талабини қондираётганлиги айтилади.

Агарда колхоз автобус хизматидан автопаркка келаятган зарарини тўлашга рози бўлса танқидий хабарда кўрсатилган маршрут қайта тикланади, дейилади жавоб охирида.

«БИЗГА ДҶКОН КЕРАК»

Газетанинг шу йил 29 июль соинида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий хабар Тошкент район матбуот жамаиғини правлениесининг йиғилишида кўриб чиқилди.

Ушғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари жуда тўғри масалани кўтаришган, — дейилади матбуот жамаиғини правлениесининг раиси И. Исроилонинг редакцияга юборган жавобида.

Ушғ Ватан уруши инвалидлари ва иштирокчиларига хизмат кўрсатадиган 8-мағани авари ҳолатида бўлгани учун ўтган йилнинг куз ойларида ёпилиб, унинг ўрнида янги магазин қурилиши бошланган эди. Уруш инвалидлари ва Афғонистонда хизмат қилган солдатларни турли озиқ-овқат махсусуолари билан таъминлаш вазифаси Охуабобоев матбуот жамаиғига қарашли 11-мағанига юкланган эди. Ҳозир янги магазин қурилиши тугаллиниб, у ерда пардозлаш ишлари олиб борилюмоқда. Яқин кулларда магазин хариддорларга хизмат кўрсата бошлайди.

«СОТУВЧИ ҚОЧДИ»

Област савдо бошқармасига қарашли қатор корхоналарда совет савдоси қондалари қўпол равнида бузилаётганлиги аниқ фактлар билан газетанинг 8 август соинида босилган рейд мақолада фош қилинган эди.

Област савдо бошқармасининг бошлиғи А. Халибоевдан олинган жавобда рейд мақолада савдо бўлимининг директорлари, ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиқлари иштирокчида кенгайтирилган Кенгашида муҳокама қилиб, унда кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги тан олинган.

Нуқсонларга йўл қўйган Ангрен, Оҳангарон, Янгиўл шаҳар савдо бўлимлари ва Олмалиқ кон металлургия комбинати ишчилар таъминоти бўлиминдан 18 киши маъжурий йўл билан жазоланган. Шу жумладан, 3 киши нидан бунаталган, 2 кишининг қилмишини кўриб чиқиш учун улар ҳақидаги материаллар ўртоқлик судига ҳавола қилинган.

Бошқарма Кенгашининг қарори билан Ангрен, Янгиўл, Бекобод, Оҳангарон савдо бўлиминининг савдо бўйича директор ўринбосарлари жиддий огоҳлантирилган.



✦ СУРАТЛАРДА: зах хоналардаги китобларнинг бундай аянчли аҳволига ким ачинамайди дейсиз? Энди улардан ҳеч ким наф кўролмаслиги турган гап-ку!
Суратчи: Р. АЛЬБЕКОВ.



АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Н. МУҲИДИНОВ,
ишчи:

— Хуршид ҳақидаги саҳифани ўқидиму, кўз олдимда бундан бир неча йиллар аввал бўлиб ўтган изтиробли воқеалар жонланаверди. Мен санъатга, адабиётга жуда эрта ҳавас боғлаган бўлиб, келгусида санъаткор бўлмоқчи эдим. Афсуски, шахсга сизнинг даврининг мусибатли йиллари умидларимни барбод этди.

Уқувчилик чоғларимдаёқ Тошкентдаги «Коллизей» (ҳозирги Свердлов номида концерт зали) театрисига «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектакллари томоша қилгани тез-тез бориб турардим. Бобораҳим Мирзоев, Карим Зокирий, Саъдулла Норхонов, Қори Ёқубий, Али Ашуров сингари истеъдод эгалари яратган Мажнун, Фарҳод, Ҳисрав, Шопур роҳларини марок билан томоша қилардим. Унинг синфини битиргач раҳимлик билан юртига қайиб ўқидим. Кечкурун эса Тошкент педагогика институтини қошидаги бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битиргач, 164-Пушкин номида мактабнинг бошланғич синфларига дарс бера бошладим. Шу орада тақдир мени Хуршид хонадонига яқинлаштирди — унинг қизи Саидахонга уйландим. Орадан кўп ўтмай бошимга анча-мунча ташвишлар, надоматлар ёғилди. Домла Хуршидга ноҳақ «миллатчи», «халқ душмани» деган таъғалар босилди. Оғир кунларни бошидан кечирди. У кишини Ёзувчилар уюшмасидан ҳам ҳайдашди. Унинг кўёви бўлганим тўғриси мен ҳам «ўз аризасига кўра» ўқитувчиликдан озод этилдим. Сўнгра Чкалов номида Тошкент авиация бирлашмасига ишчи бўлиб хизматга киришга мажбур бўлдим. Бутун умрим ушбу корхонада ўтди, 42 йилдан сўнг пенсияга чиқдим.

Надоматли йиллар ортда қолди, кўланкалар тарқалди, адолат тикланди, Хуршид домла селиб кетган нафосат уруғлари ниш уриб, ҳосил бермоқда. Демак, маърифатларвар ва зийнок Хуршид ҳали ҳам орамизда. Яна умид қиламизки, тегишли ташкилотлар унинг хотирасини муносиб абадийлаштирадиган, асарлари театр сахналаридан жой олади.

ТАМАРАХОНИМ,
СССР халқ артисти:

— Драматург Хуршиднинг ўша оғир йилларда Бешөгочда учратиб қолдим. Машинада ўтиб борарканман, бозор олдига қоп кўтарган одамга кўзим тушди. Машинани дарҳол тўхтаттирдим, шoir ўзурига шошилдим. Унинг аҳоли аянчили эди: бошида ёғи чиққан дўппи, устида эски ямоқ камзул, оёғида махси-қалиш, соқоллари ўсиб кетган. Мен унинг ёнига яқинлашиб, «Хуршид домла» деганими биламан, у ялт этиб қаради. Қопини эста ерга қўйди. Биз кўчочлашиб кўришдик. У ҳам ийе-лаб юборди, мен ҳам. Унинг йирик-йирик чиройли, ёғмин кўзларида «қара, мени қандай аҳолга солиб қўйдилар», — деган мунг ётарди. Менинг нигоҳимда эса у самимий хайрхошликни ўқирди. Ҳа, мен унинг бу аҳолидан азият чекардим ва «Хуршиди-тобон» (Биз театрда уни шундай деб атардик)ни шундай аҳолга солиб қўйганларидан изтироблар чекардим. Бу шўрликни «халқ душмани» эканлигига сира ишонмасдим. Пул берсам, олмадилар, гурурли эди... Биз хайрлашдик, шундан сўнг уни бошқа кўролмадим...

ЛУТФИХОН САРИМСОҚОВА,
СССР халқ артисти:

— Биринчи бор сахнада Лайлининг онаси ролини ижро этганман. Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун» спектаклида 1926 йилда ана шу ролни ижро этиш билан бирга сахна артисти бўлиб қолдим. Унинг яратган асарлари ҳамиша халқ қалбига сақланиб қолади. Афсуски, биз мана шундай одамни асрай олмадик ва ўзимиз ҳам ўрнини ҳеч қачон тўлдириб бўлайдиган мусибатларга дучор бўлдик.

Ҳ. РАСУЛ, М. ҚОДИРОВА,
филология фанлари докторлари:

— Ўзбек совет драматургиясининг

илк намоёнделаридан бири, машҳур «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби сахна асарлари муаллифи Хуршид ўзининг ижодий фаолияти билан ўзбек совет театр санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ижодини шеър ёзишдан бошлаган ва асримизнинг бошларида шoir сифатида танилган Хуршид ўзбекистонда социализм қурилиши жараёнида ўсиб қамолга эришди. Унинг ижодий совет воқелиги таъсирида янгича мазмун касб этди.

Шoir ўз асарларида инсонпарварлик, халқчиллик гоёлари билан сугорилган фикрларни тарғиб этди, ўз тақдирини халқ оммаси билан мустақам боғлади. У совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ ўзбек совет адабиёти ва санъатининг раванги бўлиб хизмат қилди. У қатор сахна асарлари, шеърлар, қўшиқлар, бадиий таржималар ҳамда мақолалар муаллифидир.

Ижодкор асарларининг тўла жилдини нашр этиш вақти аллақачонлар

лар музика ёзишган. Мен неча ўн йиллар мобайнида мазкур сахна асарларидан маънавий завқ олиб келдим. «Сегоҳ», «Ушшоқ», «Баёти» ларни тинглаб, ўзимча киргойи қилиб юрган пайтларим ҳам бўлган. Хуршиднинг А. Навоий достонлари асосида яратган классик музикали драмелари миллий музикаий театрининг ҳақиқий дурдоналари эди. Биз бугунги кунда унинг асарларини жуда соғиниб қолдик.

Қ. МИРКАРИМОВА,
СССР халқ артисти:

— Музикали драматизм гўё бир олтин узук бўлса «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»лар ундаги ёқут кўздир. Ушбу асарларга география санъатида доврқ таратиб, чет элларда ҳам машҳур бўлган уста Олим Комилов, Т. Мароҳоним, Мукаррама Турғунбоева, Вера Губскалар ажайиб рақслар қўйганлар. Хуршид домла яратган мазкур асарлар ҳаммаимиз учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган.

юрганларида ҳам кўрганман. Шундай одамни, шундай улкан талантни увол қилишганига жуда-жуда ачиниб, эзилиб, кетган эдим.

Мен Тошкент шаҳрининг «Саноат» маҳалла комитетида қирқ йил котибли қилганман. Ушанда Хуршид маҳалламизга келиб тўй-маъракаларда қатнашиб турарди. Халқ у кишини беҳад эъзозлар, шеър ва газалларига ҳамиша муштоқ эди.

С. СИДДИҚҲУЖАЕВ,

«Хурмат Белгиси» ордени нишондори, спесар:

— Хуршид ҳақидаги мақоладан бениҳоя таъсирландим. Уни шундай ноҳор аҳолга солганлар ўлган бўлса уларга леънатлар бўлсин, тириклар виждон азобида эзлиб, бегуноҳдан-бегуноҳ азобланганлар руҳи олдида ўзларини бир умр гуноҳкор сезиб юрсинлар.

Халқ ўзининг асл фарзандларини, талантли ва иқтидорли санъаткорларини эъзозлаб эъзозлаб келган. Аммо бир тўда жоҳил, ҳасадгўй, ичкоро, лаганбардорлар уларнинг ҳаётига зомин бўлганлар. Мақола сўнггида иккиюзламачилар, халқнинг асл фарзандларини қатағон этилишига ҳисса қўшганлар, ҳам қонуний, ҳам виждоний жавоб берсин дейлибди. Бу жуда тўғри. Тубан зотлао шуни билишлари керакки, разилик, ёмонлик ҳеч маҳал унутилмайди, муқаддас хотира эса сўнмайки ва йўқ бўлиб кетмайди.

Хуршид асарларини яна қайтадан сахнада кўришни, унинг ҳаёти ҳақида фильмлар томоша қилишни истаймиз. Менга бир нарсга алам қилади: нима учун тўрта ашула айтганлар эъзозланади-ю, Хуршиддай улкан санъаткор ҳақида эса ҳеч нарсга йўқ?!

Н. ИСМОИЛОВА,

Тошкент Давлат медицина институтини ўқитувчиси, медицина фанлари номзоди:

— «Қалбда кетди армони» каби таъсирчан мақолалар, очигини айтсак, ҳадеб пайдо бўлавермайди. Умуман матбуотда мана шундай бегуноҳ айбланиб, умрига завол етганлар ҳақида кўпроқ ёзиш керак, бунга адолат талаб қилади.

Қанчалик оғир бўлмасин, тан олишмиз керакки, биз Хуршиднинг асрай олмадик. У халқимизга қанчадан-қанча дурдона асарлар бериши мумкин эди... Унинг асарларини тиклаш, ижоди ва ҳаёти ҳақида фильмлар тайёрлаш, қўшиқлари ёзилган грампластинкалар чиқариш, мактаб дарсликларига унинг номини, ижод намуналарини киритиш лозим. У адабиётимиз, маданиятимиз қалдирғочи эди. Нима учун фарзандларимиз мана шундай улкан ижодкор ҳақида ҳеч нарсга билмасликлар керак?!

А. САИДОВ,

пенсионер:

— Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Хуршидлар ҳақиқатан ҳам адабиётимиз, маданиятимизнинг 20-30-йиллардаги янги ҳаёт осмонига кўтарилган чўлпонлари, қўшлари эдилар. Афсуски, Хуршид ўзи айтганидек, уларни «дег мисол фанимлар» йўқ этдилар, қатағон қилдилар...

Менинг ёшим ҳозир саксондан ошди. 20-30-йилларда ўқитувчилик қилганман. Хуршид ва унинг акаси Саъдидин Шарафийларнинг Эски шаҳар маҳаллаларида тунда фоноусчиқроқ кўтариб «болаларингизни шўро мактабига беринглар», деб юрганларини ўз кўзим билан кўрганман. Мактаблардаги талабалар Хуршид яратган қўшиқ ва маршларни айтиб кўчаларга, майдонларга чиқардилар. Мен ҳам кўплар қатори унинг мақолаларини матбуотда ўқиб турардим, сахна асарларини томоша қилардим.

Ҳақиқий маданий инқилоб намоён-даси ва чавандози Хуршид хотирасини абадийлаштириш, унинг номидеги кўчада ҳайкални ўрнатиш керак деб ўйлайман. Хуршид бунга арзийди.

Сўхбатлар ва хотираларини журналда нашр қилган Г. ЯҲЛДОШЕВА билан Н. БАХРИДИНОВлар ёзиб олишди.

• Акс садо •



МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

етди. Умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида ишлаб қатор ижодий, илмий ишларни амалга оширган, ёш олимларга яқиндан ёрдам берган ажайиб инсон бекиёс ардоққа муносибдир.

М. МУҲАМЕДОВА,
кекса ўқитувчи, пенсионер:

— Шoir ва драматург Хуршид ҳақидаги саҳифани ўқиб, унинг қаламида сатрлар эмас, ҳақиқий инжулар, маънавий дурдоналар тўкилган экан-у, биз гафлатда қолганлар бундан беҳабар эканмиз, деб хафа бўлиб кетдим. У қора кунлар ҳайратлики, ўтиб кетди, сира қайтмасин.

Эндиликда адабнинг хотирасини абадийлаштириш борасида қатор тадбирлар қилмоқ керак. Чунончи, унинг асарларини тўпламларга жо қилмоқ кечиктириб бўлмайдиган ва-зифаларимиздан биридир. Ҳўш, нега энди мана шу Тошкентда бир умр яшаб, халқ учун ижод қилган Абдула Қодирий ва Хуршидларнинг ҳайкали йўқ? Еки бўлмас, маданиятимиз, санъатимиз тараққийсига шунчалик катта хизмат қилган Хуршиднинг номини Тошкент маданият институтига, бироқ бир театрға бериш мумкин эмасми? Нега бу ҳақда Маданият министрлиги, Ёзувчилар уюшмаси юқори ташкилотларга таклиф киритмайдилар?

Т. ШОКИРОВ,
шифокор:

— Хуршиднинг сахна асарлари, ўлмас қўшиқлари халқимизнинг классик меросига айлиб кетган. Унинг пьесаларини М. Уйғур, Е. Бобононов, Юнгвальд-Хилькевич, М. Муҳамедов каби машҳур ўзбек совет режиссёрлари муваффақиятли сахналаштирганлар, композиторлардан Р. Глиэр, В. Успенский, Т. Содиков

Улар бугунги кунда ҳам халқимизга қайтадан тақдим этилиши даркор.

М. ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари номзоди:

— Инқилобий қўшиқлар, айниқса «Марсельеза» ва «Интернационал» ўзбек инқилобий шеъриятига, ундаги марш жанрининг тўғилиши ва тараққийсига кучли таъсир этди. Ҳатто Хуршид ва С. Айниёлар томонидан ўзбек «Марсельеза» ва «Интернационал»лари ҳам ёзилди.

Хуршид ўзбек шеъриятига марш жанрини биринчилардан бўлиб олиб кирган ва бу жанрда кўплаб асарлар яратгандир. У 1917 йилда Эжен Потьеннинг «Интернационалини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг эса ўзи «Туркистон интернационали», «Хитоб марши», «Огоҳ шарқийси» каби маршлар яратди. Бу асарларда шoirнинг меҳнаткаш халқ қонини бир умр сўриб келган, уни машаққатли ва уқубатли ҳаёт кеңиришга гирифторман эingan подшо ҳокимиятининг ағдрилишидан беҳад шодлиги, қувончи уфуриб турадиги, бунга ижобий баҳолаш лозим. «Қалбда кетди армони» мақоласининг муаллифи, санъатшунос Б. Насриддинов Хуршид домланинг инқилобий маршлари ва қўшиқларини тўплаб, алоҳида тўплам ҳолида нашр эттирса айни муддао бўларди.

А. НАЖМИДИНОВ,
Улуу Ватан уруши инвалиди:

— Мен Хуршид домлани билардим. У киши ўз акалари таниқли зийнок, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин ордени нишондори Саъдидин Шарафиддинов билан бирга янги мактаблар очиб, инқилобий маорифни раванқ топтириш, кишиларни маърифатли қилишда фаол қатнашганлар. У кишини ташвишли йилларда оғир аҳолда

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

16 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

17.00 Телефильм. 17.30 Рус тили. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Болалар учун «Кўришчандир — менинг дўстларим». 19.00 Астарахан телевидение студиясининг программаси. 19.30 Спорт шарҳи. 20.00 «Ахборот». 20.15 Лирик концерт. 21.05 Долзарб мавзу. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Узбек опера санъати усталари.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.40 Махфий агент. Бадий фильм. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. **ДУШАНБЕ** кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Тожикфильмнинг 60 йиллиги.

→ МТ I

15.50 Хоразмий афсонаси. Болалар учун телевизион бадий фильм. 1-серия. 16.55 «Ғолиблар». 18.00 Болалар соати. 19.00 Футбол шарҳи. 19.30 ГФР телевидениесининг программаси. 21.30 «Время». 22.05 Бомбас. Бадий фильм. 23.50 Дунё воқеалари. 00.05 Тақдир ва давр. 00.55 О. Митяев куйлайди.

→ МТ II

17.30 Янгилликлар. 17.40 Деярли кулгили воқеа. Телевизион бадий фильм. 1-серия. 18.50 Совет Иттифоқида хизмат қилмаган 19.50 Татаристон АССР давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Дюнода кураши. 21.30 «Время». 22.05 Теннис. 23.05 Телевизион музикали абонемент. 23.50 Янгилликлар.

Сешанба

17 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

11.30 Физика. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.30 Математика. 13.00 Эски маскид олдидики учрашув. Бадий фильм. 17.00 Советлар мамлакати бўйлаб. 17.30 Оналик ва болаликнинг актуал муаммолари. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Ёшлик. 19.00 Ҳамза номидаги Давлат мукофотида номзодлар. 19.30 «Ҳаётбахш». 20.00 «Ахборот». 20.15 Камолот сари. 21.00 Долзарб мавзу. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 Актерлар ва роллар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Киножурнал. 19.45 Аҳмад қаерда? Бадий фильм. 21.00 Касблар ҳақида ҳикоялар. **ФРУНЗЕ** кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Республика пахта далаларида. 22.45 Бўрондаги олишув. Бадий фильм.

→ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Ҳодиса. Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 10.15 Бу бўлган... бўлганди... 10.35 Оқовандаги овозлар. Ҳужжатли фильм. 11.25 Болалар соати. 16.05 Хоразмий афсонаси. Бадий фильм. 2-серия. 17.10 Мультфильм. 17.15 РСФСР шахарлари телестудиялари. 18.15 Фильм-концерт. 18.45 Ҳаракат ҳафсизлиги учун. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Биз ва экономика. 20.15 Кичик концерт.

20.30 Ақтуал интервью. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Оператив маълумотларга кўра. 22.15 Х. Иглескас куйлайди.

→ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.20 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 Репин Толстой расмини чизади. 10.05 «Француз тили. 10.55 «Бородино». 11.05 Француз тили. 11.35, 12.40 География. 12.05 «Контакт». 13.10 Деярли кулгили воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 14.20 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 14.35 Бўйруқ, чегарадан ўтилсин, Бадий фильм. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Деярли кулгили воқеа. Бадий фильм. 2-серия. 18.50 Ритмик гимнастика. 19.20 Кичик концерт. 19.30 РСФСР шахарлари телестудиялари. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида.

Чоршанба

18 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

11.30 Биология. 12.00 Телефильм. 12.30 Химия. 13.00 Четга оғиш — ноль. Бадий фильм. 17.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Юкюрси синф ўқувчилари учун факультатив машғулотлар. 18.00 Янгилликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Камалак». 19.05 Крим татар тилида адабий-музикали кўрсатува. 20.00 «Ахборот». 20.20 Музикали програма. 21.00 Долзарб мавзу. 21.30 «Время». 22.00 «Ахборот». 22.20 Ой камалаги. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Фильм-концерт. 20.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.05 «Пульс». 21.15 Ҳужжатли фильм. **ДУШАНБЕ** кўрсатади. 21.30 «Время». 22.00 Муваффақият тилағимиз. Сизга пахтакорлар! 22.40 Соғлар чошгоҳда йўқолади. Бадий фильм. 5-серия.

→ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Ҳодиса. Бадий фильм. 1-серия. 10.15 Фильм-концерт. 11.10 Мультфильм. 11.25 «Камалак». 11.55 Дунё бўйлаб. 16.05 «Асрлар қаърида». 16.35 Денгизга урилган тўлқин ортида. 17.35 Музикали хазина. 18.15 Болалар соати. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Концерт. 19.50 Ёшлар хабарномаси. 20.20 Ҳодиса. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Футбол.

→ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35, 12.35 Музика. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Кулиб боқ. Уч серияли бадий фильм. 1-серия. 14.05 РСФСР шахарлари телестудиялари. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Кулиб боқ. Бадий фильм. 1-серия. 18.45 Молдавия ССР Давлат телерадиоси. 19.15 Спорт гимнастикаси. 20.00 СССР Олий Совети сессиясида.

Пайшанба

19 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

17.00 Ҳужжатли фильм. 17.15 Фильм-концертлар. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Болалар учун

фильм. 18.30 Ютуқларимиз кузгуси. 19.15 Яхшидан бог қолади... 19.45 Ёшлик. 20.00 «Ахборот». 20.20 Узбек куйларидан концерт. 21.00 Долзарб мавзу. 21.30 «Время». 22.05 «Ахборот». 22.25 Долзарб дамлар қадри. 22.45 «Тошкент» студияси кўрсатади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Она ҳақида қўшиқ. Бадий фильм. 20.50 Реклама. 21.00 Ёшлик. **ДУШАНБЕ** кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 «Сирена». 22.20 Соғлар чошгоҳда йўқолади. Бадий фильм. 6-серия.

→ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Ҳодиса. Бадий фильм. 2-3-сериялар. 11.20 Футбол. Европа кубоклари. 13.50 Болалар соати. 15.55 Болалар учун фильм. 17.35 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.20 Футбол. 21.30 «Время». 22.05 В. Моцартининг «Барча аёллар шундай иш тутати» операси.

→ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.45 Табиатушнослик. 9.55 Испан тили. 10.25 «Мафтункор ва сирли». 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Биология. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Кулиб боқ. Бадий фильм. 2-серия. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 14.50 Спорт гимнастикаси. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Такрорий телефильмлар сеанси. 18.45 Рус хор санъати. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.40 Мари АССР Давлат телерадиоси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Информацион программа. 21.30 «Время». 22.05 Бир оила учун дала уйна. Бадий фильм. 23.30 Англаб етмоқчиман. Телевизион фильм. 00.25 Янгилликлар.

Жума

20 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

17.00 Ҳужжатли фильм. 17.30 Фильм-балет. 18.00 Янгилликлар. 18.15 Ёзувчилар — болаларга. 18.50 Инсон ва хизмат кўрсатиш тармоғи. 19.20 Самарқанд қишлоқ хўжалик институти — 60 ёшда. 20.00 Ахборот. 20.20 Д. Жабборов рақсга тушади. 21.00 Долзарб мавзу. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Ҳасан — аравақаш. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Телефильм. 19.45 Қайтишни унут. Бадий фильм. 21.05 Пульс информацион кўрсатува. 21.15 Телефильм. **ДУШАНБЕ** кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Муваффақият тилағимиз. Сизга пахтакорлар! 22.45 Соғлар чошгоҳда йўқолади. Бадий фильм. 7-серия.

→ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Ҳодиса. Бадий фильм. 3-серия. 11.20 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 12.05 Тақдир ва давр. 12.45 Сизга бағишланади. 13.30 Умринг боқий бўлсин. Ер! 16.05 Келгиндилар. Ҳужжатли фильм. 16.30 Мультфильм. 16.40 Поэзия. М. Карим. 17.30 Фан: назария, таъриҳ, практика. 18.15 Па де труа. (Болалар учун). 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 20.00 Концерт. 20.20 Ҳодиса. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05

Ҳодиса. Бадий фильм. 3-серия. 23.20 Бу бўлган... бўлганди... 23.40 Ниғоҳ.

→ МТ II

9.00 Гимнастика. 9.15, 12.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 10.35 Адабиёт. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Янгилликлар. 13.05 Кулиб боқ. Бадий фильм. 3-серия. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 15.00 Ритмик гимнастика. 17.30 Янгилликлар. 17.40 Кулиб боқ. Бадий фильм. 3-серия. 18.45 Спорт гимнастикаси. 19.30 Спорт программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Информацион программа. 21.30 «Время». 22.05 Азизларим, меҳрибонларим менинг. Фильм-спектакль. 23.40 Янгилликлар.

Шанба

21 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Адабий ўқиш. 10.40 Спорт программаси. 11.40 Бор эканда, йўқ экан. Бадий фильм. 13.00 Инсон ва табиат. 13.30 Илгор таъриҳи мактаби. 14.00 Қардош халқлар иттифоқи. 14.30 Музикали программа. 15.20 Замандас. 17.55 Сен ҳақингда ва сен учун. 18.40 Бўстон. Тележурнал. 20.00 Ахборот. 20.20 Шеърят дафтарида. Мирмуҳсин. 20.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Музикали программа.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ кўрсатади. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 Савулкалом. Адабий-музикали кўрсатува. 10.05 Бадий фильм. 17.50 Лабиринт. 18.30 «Ховарим-пайванд». 20.00 Информацион программа. 20.30 Кинолаваҳа. 20.40 А. Ҳабиб. Оқ куйлаки қиз. Телеспектакль. 21.30 «Время». 22.05 Музикали программа. 22.50 Шаҳризаданинг яна бир кечаси. Бадий фильм.

→ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Сиз яратган бог. 9.30 Халқ ижодиёти. 10.00 Инсон институти. 11.00 «Современная драматургия» журналининг авторлари ва таъриҳ хайъати билан учрашув. 12.10 Чашмалар. 12.40 Дунё воқеалари. 12.55 Рассом устхонасида. А. П. Васильев. 13.30 Социализм мамлакатларида. 13.50 XI—XVI асрлардаги Киев—Новгород русининг музика маданияти ҳақида. 14.35 Ҳайвонот оламида. 15.35 Планета. Халқаро программа. 16.35 Йўлдаги учрашувлар. Дирижёр Владимир Федосеев. 18.00 Москва — Хельсинки телекўприги. 19.35 Мультфильмлар. 20.05 Шеърят лаҳзалари. 20.15 Кечиккан сеғги. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Ақтуал интервью. 21.15 Кечиккан сеғги. Бадий фильм. 2-серия. 23.30 Бахтли тасодиф. Телевизион. 2-ўйин. 00.45 Оммавий куйлар янгилликлар.

→ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгилликлар. 9.45 Отам — идеалист. Бадий фильм. 11.10 Информацион программа. 11.55 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.25 Спорт гимнастикаси. 13.05 Ҳужжатли фильмлар. 13.55 Спорт ва шахс. 14.40 Давр ҳақида ва ўзини ҳақимда. А. Прокофьев. 15.00 Биз ҳаммамиз мактабга борамиз. Бадий фильм. 5 ва 6-сериялар. 17.00 «Пи» белгиси билан. 1-қисм. 18.00 НТМ.

Информацион кўрсатува. 18.15 «Пи» белгиси билан. 2- ва 3-қисмлар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов» — «Химик». 00.25 Баскетбол. Макдональд халқаро турнири.

Якшанба

22 ОКТАБРЬ

→ ЭТВ

9.00 Ассалому алайкум. 10.00 Биргаликда куйлаймиз. 10.25 Москва кинофестивали. 12.00 Спорт программаси. 13.00 Дехқон ва замон. 14.00 Узгалар бахти. Бадий фильм. 15.10 Концерт. 15.40 Техника ижодиёти мактаби. 16.20 Реклама. 18.05 Мультфильмлар. 18.25 Тенгдошлар. 19.10 Ҳиндистон қўшиқлари. 20.00 Ахборот. 20.20 Долзарб мавзу. 22.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Ахборот. 22.25 Қўтлуғ қон. Спектакль.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБЕ кўрсатади. 9.00 Сапеда. Информацион-музикали программа. 10.05 Реклама. 10.15 Муъжиза алиф бо. 10.55 Фильм-концерт. 11.35 Шаҳризаданинг яна бир кечаси. Бадий фильм. **ФРУНЗЕ** кўрсатади. 17.05 Мультфильмлар. 17.40 Реклама. 17.50 Телефильм. 19.00 Баскетбол. СССР чемпиони. 20.00 Этти кун. Якшанба информацион программаси. 20.30 Коз караш. Бадий — публицистик программа. 21.30 «Время». 22.05 Музика — менинг омури.

→ МТ I

8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Совет Иттифоқида хизмат қилман! 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саҳтатчилар клуби. 13.00 Музикали киоск. 13.35 Здорьева. 14.20 Ҳужжатли фильм. 15.30 Болалар информацион—публицистик программаси. 17.00 Камалак. 17.30 Қишлоқ янгилликлар. 18.30 Халқаро панорама. 19.10 Мультфильм премьераси. 20.10 Бегона уйинлар. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Врач психотерапевт А. М. Кашпировскийнинг саломатлик сеанслари. 23.05 Ҳужжатли фильм.

→ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Узбекистонга хуш келибсиз! 9.10 И. Сельвинский. Уллаевчилик. 9.50 Иттифоқда республикалар студияларининг фильмлари. 11.05 Концерт. 11.30 Акс садо: дафтанин воқеалари. 11.45 Ҳангоҳанглик. 12.00 Саҳтатчилар клуби. 13.00 РСФСР шахарлари телестудиялари. 13.35 Образ. Адабий виторина. 15.05 Биз ҳаммамиз мактабга борамиз. 7 ва 8-сериялар. 17.00 Мультфильм. 17.15 Концерт. 17.35 СССР ИИМ хабар қилади. 17.45 Баҳор симфонияси. Бадий фильм. 19.15 1989 йил қўшиқлари. 19.30 Ҳаракат ҳафсизлиги учун. 19.35 РСФСР шахарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Спорт гимнастикаси. 21.30 «Время». 22.05 «С шахрида». Бадий фильм. 23.45 Янгилликлар.